

ТАЪЗИЯ



11:45 / 02.11.2020 1180

«Хилол» нашриёт-матбааси ҳамда Ислом.уз портали жамоаси Тошкент ислом институт ректори Уйғун домла Ғафуровнинг волидаи мухтарамалари Дилбар ҳожи она вафотлари муносабати билан чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Ушбу оғир дамларда марҳуманинг аҳли байтларига, мусибатзадаларга Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

Етмиш уч ёшларида охират сафарига кузатилган ҳожи она эл корига ярайдиган, дину диёнат йўлида хизмат қиладиган фарзандларни ўқиб ўстирдилар, вояга етказдилар. Фарзанди Уйғун домла диний-маърифий соҳа йўналишида Президент Администрацияси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Ислом академияси каби йирик даргоҳларда фаолият олиб борди. Юқоридаги кўп йиллик тажрибаси сабабли Тошкент ислом институтида 2015 йилдан буён ректор вазифасида меҳнат қилиб келмоқда

Аллоҳ таоло марҳума онахонни барча хайрли ишларини, солиҳ амалларини хусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, охиратларини обод қилсин.

«Сабрлиларга хушхабар берингки, улар ўзларига мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир».

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз»,

Islom.uz портали